

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТУГРИСИДА ШАРТНОМА № 2022/1

Яккабоғ туман

«11» Январ / 2022 й.

**Яккабоғ Электр тармоқлари**, (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи **Ж Кенжаев** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва **Яккабоғ туман Маданият бўлими** (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "**Истеъмолчи**" деб юритилади, Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи **Султанов Сардор Шайманович** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

- 1.1. Ушбу шартнома буйича "**Таъминотчи**" "**Истеъмолчи**"нинг буюртманомасига мувофиқ уланган тармок оркали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади, "**Истеъмолчи**" эса мазкур шартноманинг 1- иловасида белгиланган кувватдаги электр энергиясини кабул килиб олиш ва илова килинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблаглар хисобидан хак тулашни уз зиммасига олади.
- 1.2. Бюджет ташкilotининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгартиришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро келишилган холда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга хаклидирлар.
- 1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик хажми 3132 КВТ ташкilot килади.

## II. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. "Истеъмолчи"нинг хукуклари:

- а) "Таъминотчи"дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб беришни; (2-илова)
  - б) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома (3-иловага асосан) ва стандартларда белгиланган микдорда саклашни;
  - в) электр энергияси истеъмолчининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар туьагунгача 10 кундан кечикмай) кайта таксимланишини "Таъминотчи"дан талаб килишга хаклидир.
  - г) электр тармоқларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофиқ булмаган электр энергияси етказиб берилганда "Истеъмолчи" уз хохишига кура;
- муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ булмаган холда етказиб берилган электр энергиясини кабул килишни ва хақини тулашни рад ётишга
- г) "Таъминотчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани копланишини талаб килишга хаклидир.

### 2.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

- а) Хисобга олиш жойи электр тармоқларининг "Таъминотчи" билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утказилсин (истеъмолчининг хисобга олиниши булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);
- б) электр тармоқлари, асбоб ускуналарининг тегишли техник холатини ва хавфсизлигини таъминлаш;
- в) электр энергиясини истеъмол килишнинг урнатилган тартибига риоя килиш хамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини хисобга олиш асбобларидаги носозликлар хақида "Таъминотчи"га хабар бериш;
- г) реактив энергия ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг иш режимига риоя килиш шартноманинг 4- иловасига мувофиқ;
- д) истеъмол килинадиган электр энергиясини хисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларнинг бутлиги ва сакланишини таъминлаш;
- е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.

### 2.3. "Таъминотчи"нинг хукуклари:

- а) "Истеъмолчи"дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли хақни тулашни ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил хисоб-китобларни амалга оширишни;
- б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган электр энергиясини кабул килишни асосиз рад ётиш натижасида етказилган зарарни коплашни "Истеъмолчи"дан талаб килишга хаклидир;
- в) унинг вақили тегишли амал килиш муддати билан шахсий гувоҳномаси мавжуд булганда электр хисоблагичларни куриб текширади;
- г) маънавий жихатдан эскирган электр энергиясини индукцион хисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувидан утказмайди хамда УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Карорига мувофиқ уларни замонавий электрон хисоблагичларга алмаштирилишини талаб килади.

### 2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари:

- а) конун хужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларини уз муддатда бажарилишини таъминлаш;
- б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб бериш;
- в) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда саклаш 3-иловага мувофиқ;

- г) электр энергиясининг "Истеъмолчи"га узлуксиз ("Электр ускуналарининг курилма коидалари" 1.2.17-банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;
- д) электр тармоқларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар тугрисида "Истеъмолчи"ни камида 3 сутка олдин огохлантириш;
- е) электр энергиясидан асоссиз узишга йул куймаслик ва "Истеъмолчи"га электр энергияси беришнинг режадан ташкари тухтатилиши сабабларини хабар килиш;
- ж) "Истеъмолчи"га электр хисоблагичларининг амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофик алмаштириш муддатларини хабар килиш;
- ж) жорий этиладиган чеклашлар хакида чеклашнинг жорий этилиш хажми ва вақтини курсатган холда 0,5 кун олдин хабар килиш;
- з) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда "Истеъмолчи"га билдириш.
- и) "Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари"га (УзР Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Карорига 1-илова), электр энергияси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида хисоб-китоблар тартиби тугрисида Низомга (УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Карорига 2-илова) риоя килинсин.

### III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

#### 3.1 Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий баҳоси 1409400 ( Бир миллион тўрт юз тўққиз минг тўрт юз ) сумни ташкил этади.

(сумда)

2022 йил жами	1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декabr
<u>1409400</u>	469800	469800	469800	-	-	-	-	-	-	-	-	-

Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табакалаштирилган ставкада белгиланади. ( зарур бўлмагани учирлади)

Шартнома буйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари шартноманинг 1-иловасига мувофик тарзда амалга оширилади. Шартнома тузилган даврда 1 киловатт электр энергия тарифнарни сумни ташкил этади.

3.2. Навбатдаги ой учун етказиб бериш назарда тутилган ресурслар хажмининг олдиндан **100 фоиз** микдорида ойнинг 20-санасигача ҳақ аванс тарикасида туланади,

3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун тулов пул утказиш йули билан хисоб-китоб қилинади. 1 (хисоб-китоб қилиш шакли курсатлади)

1.3.4. "Истеъмолчи"нинг айби билан шартномада курсатилган хажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол қилинганда туланган аванс маблағлари қайтарилмайди, балки истеъмол қилинган электр энергияси учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.5. "Истеъмолчи" хар ойда булиниш чегараларида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини хисобга олган холда истеъмол микдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тўлов суммаси аниқланади.

Белгиланган шаклдаги хисобот "Таъминотчи"га ойнинг 25-санасигача муддатда юборилади.

3.6. Хисоб-китоб электр хисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган такдирда электр тармогининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидан электр хисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўқотилиши микдори "Истеъмолчи" билан биргаликда хисоб-китоб йўли билан аниқланади ва тўлов учун "Истеъмолчи"га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади. (6-иловага асосан)

3.7. Такдим этилган белгиланган шаклдаги хисоботга асосан "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га хисоб-фактура ёзиб беради. Хар хил тариф гуруҳига таалукли бир неча объектларга эга истеъмолчилар билан хисоб-китоблар хар бир тариф гуруҳига урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари буйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга хар бир объект бўйича билиб кўрсатилган битта хисоб-фактура ёзиб берилади.

Қисман (тулик хажмда эмас) ҳақ туланганда, "Истеъмолчи" тулов хужжатида қайси тариф гуруҳлари буйича тулов биринчи навбатда амалга ошириладиганини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари буйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

Электр энергияси истеъмоли хакида хисобот такдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли хажми буйича хисоб-китоб ойига кейинчалик амалда истеъмол шилинган электр энергияси буйича қайта хисоб-китоб қилган холда хисоб-китобни амалга оширади.

Ортиқча туланган маблағлар қайтарилмасдан аванс тулови тарикасида хисобга олинади.

3.8. "Истеъмолчи" томонидан тегишли ойга ётказиб берилиши кузда тутилган электр энергияси хажми қийматининг **30** фоизидан кам (олдиндан тулов микдори курсатилсин, лекин 30 фоиздан кам бўлмасин) бўлмаган микдорида олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси хар ойда ётказиб берилади. Кичик ва урта бизнес вакиллари, кичик моторли, хусусий тадбиркорлар электр энергияси қийматининг 100 фоизи микдорида олдиндан тулов амалга оширишлари керак.

Яқуний хисоб-китоб эса 30 кун давомида (яқуний хисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин 30 кундан ортмасин) амалга оширилади. "Истеъмолчи" да электр энергияси учун 30 кундан ортиқ (муддати юқорида курсатилган) муддати утган қарздорлиги мавжуд булганда, аванс тулови тарикасида туланган маблағлар муддати утган қарздорликни бартараф этишга йўналтирилади ва аванс тулови тарикасида хисобга олинмайди.

"Истеъмолчи" бир неча тариф гуруҳига эга булса, у олдиндан тулов хужжатида тариф гуруҳи буйича электр энергияси

суммаси ва ёки микдорини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари буйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

3.9. Узил-кесил ҳисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га электр энергия беришни тўхтатади (шартноманинг 5.5 бандида кўрсатилган "Истеъмолчи"лар бундан мустасно). Бир вақтнинг ўзида, "Таъминотчи" электр энергияси етказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган холда хизмат кўрсатувчи банк орқали ҳисобот ойда етказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тўлов талабномаси беради.

#### **IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ ҚИЛИШ ОЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Электр энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада курсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади 5-иловага мувофиқ.

"Таъминотчи" буюртманомаларни руйхатдан утқизиш дафтари юритади.

4.3. "Истеъмолчи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги электр энергиясини етказиб бериш микдори ва санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Таъминотчи"ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом бўлишигача камида 10 кун олдин хабардор қилади.

#### **V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ ҚУЙИШ ТАРТИБИ**

5.1. Электр энергияси беришдаги ўзилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар қелишувига мувофиқ йул қуйилади.

5.2. "Истеъмолчи" билан қелишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ унта дарҳол хабар берган холда электр энергияси беришни вақтинча ўзиб қуйиш, тухтатиш ёки чеклашга "Таъминотчи" тизимида авариянинг олдини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб бўлмайдиган чораларни қуриш зарур бўлган ҳолларда йул қуйилади.

5.3. Электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режими бузилганда;

шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг олдиндан 50 фоизини туламаганда;

ҳисоб-китоб ойна тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун туланмаган қарзи мавжуд бўлганда;

"Истеъмолчи" электр энергияси тармоғига ўзбошимчалик билан уланганда ёки қувват шартномада қелишилган микдордан оширилганда;

"Ўзстандарт" агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол қилинадиган энергияни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаганда;

"Таъминотчи"нинг вақили соат 8.00 дан 20.00 гача бўлган давр мобайнида ҳисоблаш приборларини қуришга асоссиз қуйилмаганда, "Таъминотчи" электр энергияси беришни тухтатиб қуйиш ҳуқуқига эга бўлади.

5.4. "Истеъмолчи"да ҳисобга олиш прибори бўлмаганда;

ҳисобга олиш прибори "Истеъмолчи"нинг айби билан шикастланганда;

ҳисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси ўзгарганда ёки ҳисоблагичдан ташқари нағрузка уланганда;

фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ белгиланган муддатларда туланмаганда "Истеъмолчи" 1 кун олдин огоҳлантирилиб электр энергияси тармоғидан ўзиб қуйилади;

5.5. Электр энергиясини ўзиб қуйиш техноген ва авария оқибатларига олиб қелиши мумкин бўлган, алоҳида ҳавф ва ўзлуксиз технология жараёнга эга бўлган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида" ги 511-сон Қарор низомининг 1-илбасидаги руйхатга киритилган) истеъмолчиларнинг гулов муддати ўтган қарзлари вужудга келган тақдирда ҳақи туланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронгача, тулик ўзиб қуйиш эса факат суд қарорига қура амалга оширилиши мумкин. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг ўзвий қисми ҳисобланади. (7-иловага мувофиқ)

#### **VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, 5 фоиздан қура микдорда электр энергияси етказиб берилмаган ҳолларда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га муддати ўтқазиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня туланиши "Таъминотчи"ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.2. Етказиб берилган электр энергияси ҳақини ўз вақтида туламагани учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га ўтқазиб юборилган ҳар бир кун учун тулов суммасининг 0,4 фоизи (маҳсус тартибга қура электр энергияси бериладиган қорхоналар учун 0,2 фоиз) микдорда, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тулайди.

6.3. "Истеъмолчи"нинг тақлифига қура мулжалланаётган ўзгартиришларгача 10 кундан қура бўлмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги ҳажмларининг ўзгартирилиши электр энергиясини қам олиш ёки ортиқча олиш деб ҳисобланмайди.

6.4. Ўшбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

- 7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда томонлар, қоидага қура уларни судгача хал этиш юзасидан тегишли чораларни қурадилар.  
Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита Яккабоғ туманлараро иқтисодий судига муружаат қилишга ҳам ҳақлидир.
- 7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ

- 8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган қуч, яъни фавқуллода ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ва бошқа табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайдир.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

- 9.1. Шартнома икки томонлама имзоланган қундан сунг Ғазначилик бўлиmidан руйхатдан утгандан бошлаб қучга қиради ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.
- 9.2. Мазкур шартномага узгартиришлар (қушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши қерак.
- 9.3. Мазкур шартномага хар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вақил қилинган вақиллари томонидан имзоланиши шарти билан хақиқий ҳисобланади.
- 9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинги барча шартлари бажарилган ташдирда тўхтатилади.
- 9.5. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинги барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 10.1. Мазкур шартнома томонларнинг қелишувига қура ёки бошқа томон шартнома шартларини қиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининги талаби буйича суд тартибида бера қилиниши мумкин.
- 10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг хар бирига бир нусхадан қолдирилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Таъминотчи»

Яккабоғ Электр тармоқлари

Манзили: Яккабоғ шаҳри Амир Темур қучаси  
тел/факс: 5825385

х/р: 22636000900177786351  
банк номи: АТ Саноат-Қурилиш банки  
Қарши мин.ф.

МФО: 00854

ИНН: 200666494

ОКОНХ: 11170

Рақбар:  Ж. Қенжаев  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

М.У.



«Истеъмолчи»


Яккабоғ туман маданият бўлими

(бюджет маблағларини олувчи номи)

манзили: АМИР ТЕМУР қўчаси 31-уй  
тел/факс: 90-729-80-91  
ш.х.р. 100022860102507082310056001  
СТИР: 200710883 ОКОНХ: 84112  
Уз.Рес.Молия Вазирлиги Ғазначилиги  
х/р 23402000300100001010

Банк: Марказий банк Тошкент ш. ББХҚҚМ

МФО 00014 СТИР: 201122919

Рақбар:  С. Султанов  
(имзо) (Ф.И.Ш.)



2022 йил «11» Январдаги  
№2022/1- сонли шартномага  
1-сонли Илова

Яккабоғ туман электр тармоклари корхонаси томонидан 2022 йил  
давомида етказиб бериладиган электр энергияси куввати буйича  
**СПЕЦИФИКАЦИЯ**

Ойлар	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
Январ	кВт	1044	450	469800
Феврал	кВт	1044	450	469800
Март	кВт	1044	450	469800
1-чорак жами	кВт	3132		1409400
Апрел	кВт			
Май	кВт			
Июн	кВт			
2-чорак жами	кВт			
Июл	кВт			
Август	кВт			
Сентябр	кВт			
3-чорак жами	кВт			
Октябр	кВт			
Ноябр	кВт			
Декабр	кВт			
4-чорак жами	кВт			
Хаммаси 2022 йил	кВт	3132		1409400

Яккабоғ электр тармоклари  
бошлиғи:

  
Ж.Кенжаев  
(ИМЗО) (Ф.И.О.)

М.У.

Яккабоғ туман  
  
С.Султанов  
(ИМЗО) (Ф.И.О.)



## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi:

Elektr energiyasi yetkazib berish va undan foydalanish to'g'risida shartnoma;

2. Loyihaning nomi:

Yakkabog' elektr tarmoqlari( ta'minotchi) hamda Yakkabog' tuman madaniyat bo'limi (iste'molchi) o'rtasida foydalaniladigan elektr energiyasining yillik hajmi 3132 kvt ni tashkil etgan elektr energiyasi yetkazib berish va undan foydalanish to'g'risida shartnoma;

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Yakkabog' tuman Madaniyat bo'limi tomonidan markazga 11 yanvar 2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti**

11.01.2022 yil



**Sh. A. Xolmirzayeva**